

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.20/30.12.2019.S.23.02 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**БУРХАНОВ ХУСНИДДИН МИРОДИЛОВИЧ**

**ИНТЕРНЕТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА МИЛЛИЙ  
СЕГМЕНТ ФАОЛИЯТИНИНГ СОЦИОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ**

**22.00.02 – Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи**

**Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**

**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент– 2021**

**Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора философии (PhD) по социологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on  
Sociological Sciences**

<b>Бурханов Хусниддин Миродилович</b> Интернет хавфсизлигини таъминлашда миллий сегмент фаолиятининг социологик жиҳатлари .....	5
<b>Бурханов Хусниддин Миродилович</b> Социологические особенности деятельности национального сегмента в обеспечении интернет безопасности .....	23
<b>Burkhanov Khusniddin Mirodilovich</b> Sociological features of the activities of the national segment in ensuring internet security .....	43
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати .....</b>	47
Список опубликованных работ .....	47
List of published works .....	47

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.20/30.12.2019.S.23.02 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**БУРХАНОВ ХУСНИДДИН МИРОДИЛОВИЧ**

**ИНТЕРНЕТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА МИЛЛИЙ  
СЕГМЕНТ ФАОЛИЯТИНИНГ СОЦИОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ**

**22.00.02 – Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи**

**Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент– 2021**

Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.PhD/S73 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетда бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида info@dba.uz ва «www. Ziyonet» ахборот таълим порталида жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Каланов Комил Қулахматович**  
социология фанлари номзоди, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Умурзаков Баходир Хамидович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Умаров Абсалом Адилович**  
социология фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** **Тошкент ахборот технологиялари университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳузуридаги DSc.20/30.12.2019.S.23.02. рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_\_» куни \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 45-уй. Тел.: (371) 232-60-47; факс: (371) 239-17-83; e-mail: info@dba.uz. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси Маъмурий биноси, 11-қават, 1108-хона).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 45-уй. Тел.: (371) 232-60-47, факс: (371) 239-17-83, e-mail: info@dba.uz. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси Маъмурий биноси, 11-қават, 1108-хона.)

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).



**М.Б. Бекмуродов,**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, соц.ф.д., профессор

**Ш.М. Содиқова,**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, соц.ф.д., профессор

**Ф.Я. Парманов,**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, соц.ф.д., доцент

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ва сиёсий жараёнлар ривожда глобал интернет тизими орқали тарқалаётган ахборотлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Глобаллашув жараёнининг жадаллашуви, инсон тараққиёти, унинг самарали фаолияти билан боғлиқ бўлган янги ижтимоий ҳаёт мазмунининг шаклланиши, ривожланиши бевосита ахборотлар тизимининг, виртуал реалликнинг самарали йўлга қўйилганлиги билан боғлиқ. Маълумотларга кўра, «Сайёраамизнинг 53 фоиздан кўпроқ аҳолиси ёки 4,1 млрд. киши интернетдан фойдаланиш имконига эга ва бу кўрсаткич ошишда давом этмоқда».<sup>1</sup> Шу муносабат билан бугунги кунда интернет кибер маконида тарқалаётган инновацион йўналишдаги ахборотлар оқимининг конструктив ечимини топиш долзарб аҳамият касб этади.

Дунё миқёсида ахборотлашган жамият назариясининг мазмун-моҳиятини янги ривожланиш даври контекста ўрганиш, глобал интернет тармоғидаги сайтларда эълон қилинаётган ахборотлар мазмунининг жамоатчилик фикри шаклланишига таъсирининг илмий таҳлили ва прогнози халқаро миқёсдаги тадқиқот марказлари ва илмий текшириш институтлари томонидан ўрганилади. Бугунги кунда дунёда миллий сегмент сайтлари масаласида интернет сайтлари номи ва манзиллари тақсимооти, халқаро электрон алоқаларни мустаҳкамлаш, ахборотлашган жамият муаммолари ва турли миллий сегментлардаги сиёсий интернет технологиялари усуллари ҳамда интернет тармоғида ахборот хавфсизлигини таъминлаш йўналишларида тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда «ахборотлашган жамият», «интернет кибер макони», «ижтимоий тармоқлар», «виртуал олам», «рақамли иқтисодиёт», «блогер», «миллий сегмент сайтлари» каби тушунчалар кенг муомалага кирди, уларни тадқиқ этишнинг илмий доираси кенгайиб бормоқда. «Тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради».<sup>2</sup> Ҳозирги даврда мамлакат аҳолисининг 22 миллиони интернетдан олинган ахборотлардан фойдаланмоқда. Шу боис «миллий сегмент» фаолияти ривожланиш тенденцияларининг ижтимоий эволюциясини тизимли тадқиқ этиш, ахборот соҳасидаги ислохотлар, рақамли иқтисодиёт ва кибер хавфсизликни таъминлаш борасидаги илмий прогнозни амалга ошириш илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, ПФ-4947-сонли, 2018 йил 19 февралдаги «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, ПФ-5349-сонли,

<sup>1</sup> <https://kun.uz/news/2019/11/05/dunyoda-internet-foydalanuvchilari-soni-4-mlrddan-oshdi>.

<sup>2</sup> Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга муурожаатномаси // <https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeev-25-01-2020>

2020 йил 5 октябрдаги «Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, ПФ-6079-сонли, фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиш ва устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Инновацион мавзуларда ахборот алмашувининг ислохотлар тизимидаги, жамият ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги ўрнининг муайян жиҳатлари назарий-методологик жиҳатдан мумтоз мутафаккирлар ва давримиз социологлари томонидан тадқиқ этилган. Ҳар бир муаммонинг илмий асоси мушоҳада ва тафаккурдан ташқари рақамларга ҳам асосланади. Шарқнинг буюк алломалари Ал-Хоразмийнинг «Ал-жабр ва ал-муқобала ҳисоби ҳақида қисқача китоб», Ал-Фарғонийнинг «Самовий ҳаракатлар ва умумий илми нужум китоби», Берунийнинг «Қадимга халқлардан қолган ёдгорликлар» асарларида ахборот олиш маданияти ва ахборотлар алмашинувидаги ўзига хос хусусиятлари математик ва астрономик жиҳатдан ҳисоб-китобини амалга оширганлар.

Интернет тармоғидаги миллий сегментлар ва ахборот хавфсизлигининг методологик асослари тадқиқоти жаҳон социологияси классик олимларидан М.Кастельс хулосаларига таянилди, жумладан, олим интернет ижтимоий тармоқ эканлиги ҳақидаги фикрга келган. Ҳозирги жамиятдаги назарий-амалий, ижтимоий ўзгаришлар ушбу жараёнда интернет тармоғининг ўрни ҳақидаги мулоҳазаларимизда Д.Белл, М.Маклюэн, Э.Тоффлер, З.Бжежинский, Т.Парсонс концепциялари асос сифатида олинди.<sup>3</sup> Бундан ташқари, хорижлик социологлардан Л.Хендерсон, П.Зимбардо, Ж.Грэм, С.Ли ва бошқалар ижтимоий тармоқларда тарқатилаётган замонавий ахборотлар ёшларнинг жамиятдаги ижтимоий гуруҳлар билан муносабати, алоқаси масалаларини ўрганишган. МДҲ социолог олимлари томонидан ушбу мавзуга оид диссертация ҳимоя қилган тадқиқотчилар И.Шевченко, А.Биккулов, А.Сапов, Е.Горшкова, Н.Воронович, Г.Нигматуллина, И.Казанская, А.Шеремет, О.Чебунина ишлари шулар жумласига киради. В.Касьянов, В.Нечипуренко, В.Курбатовнинг тадқиқот ишларида ёшларнинг ижтимоийлашуви, уларнинг ахлоқий, маънавий қарашлари шаклланишида интернетдан олинаётган ахборотлар мазмунига, йўналиш жараёнининг ўрнига эътибор бериш лозимлиги таъкидланган.

<sup>3</sup> Кастельс М. Галактика Интернет. М.: Академия. 2003.; Белл Д. Грядущее постиндустриальное общество: опыт социального прогнозирования. М.: Академия. 1999. – С. 783; Белл Д. Социальные рамки информационного общества // Новая технократическая волна на Западе: сб. ст. М.: Прогресс, 1986. - С. 330-343; Маклюэн М., Галактика Гутенберга: Становление человека печатающего. М.: Академия. 2005.; Тоффлер Э. Третья волна. М.: АСТ. 2004.; Парсонс Т. Система современных обществ. М.: Академия. 1998.

Мамлакатимиз социолог олимларидан М.Бекмурадов, А.Умаров, А.Холбеков, Ш.Содиқова, К.Каланов, О.Абдуазимов, Т.Матибаев, Ф.Парманов, А.Сеитов ишларида хавфсизликни таъминлаш муаммоларига эътибор берилган.<sup>4</sup> Уларнинг тадқиқотларида интернет миллий сегментига оид қатор назарий ёндашувлар мавжуд. Масалан, Шарқ кишиси учун индивидуализм ҳамisha ҳалокат, жамоада уйғунлашув эса сокинлик ва бежавотирлик омили бўлиб келган. Жамоавий хавфсизликни таъминлаш эҳтиёжи Шарқда қадимги даврлардаёқ давлатчилик тизимларини таркиб топтирди.<sup>5</sup> Бу бугунги кунда жамоалар интернет миллий сегментларини яратиш орқали ўз хавфсизлигини таъминлашга қилган ҳаракатларида кўринади. Шунингдек, миллий сегмент сайтлари ОАВ сифатида ривожланиб бориши «трансформациялашган матбуот назарияси»га асосан шаклланаётганлиги ва интернет хавфсизлигини таъминлашда ҳамда интернетнинг салбий таъсирини камайтиришда «таназиялашган матбуот назарияси»ни назарий асос сифатида кўриш мумкин<sup>6</sup>.

Мамлакатимизда олиб борилган тадқиқотларда мавзуга алоқадор бўлган интернет тармоғи шаклланиши, ривожланиш тенденциялари, интернетда миллий сегментнинг демократик ислохотлар жараёни ва ёшларнинг ижтимоийлашувидаги ўрни, ушбу соҳадаги миллий хусусиятлар, янги ривожланиш босқичи даврида вужудга келган ижтимоий имкониятларнинг социологик йўналишлари, мазмуни, стратегик аҳамияти, миллий сегмент сайтларни ривожлантириш масаласи етарлича ўрганилмаган. Шу боисдан ушбу социологик омилларни таснифлаш, янги тараққиёт босқичи талаблари асосида шаклланган интернет сайтларидан тарқатилаётган ахборотлар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида миллий сегмент мазмунига қўйиладиган ижтимоий талаблар, мезонлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим назарий, методологик, амалий аҳамият касб этадиган масалалар туркумига киради. Бу эса, диссертант томонидан мазкур мавзуни тадқиқот предмети сифатида махсус ўрганишга ундади.

**Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ПЗ-2017093020 «Олий ва ўрта махсус таълим тизимини

<sup>4</sup> Бекмуродов М. Замонавий бошқарув социологияси. Монография. Т.: «Ёшлар». 2020. Б 9.; Умаров А. Национальная библиотека Узбекистана им. Алишера Навои: история, настоящее и будущее // Вестник Библиотечной Ассамблеи Евразии. - 2005 - № 3. - С. 71-76; Холбеков А.Ж. Взгляды восточных и западных социологов. Т.: Университет. 1996. Содиқова Ш.М. Ўзгаришлар социологияси. Ўқув қўлланма. Академия. Т.: Академия. 2019.; Каланов К. Ўзбекистанда ўзини-ўзи бошқариш тизими динамикаси таҳлилида обрўнинг роли. Соц.фан.номз.дис. –Тошкент: ЎЗМУ. 2000; Абдуазимов О.У. Ахборотлашган жамиятда жамоатчилик фикри мониторингини таъминлашда оммавий коммуникациялар социологиясининг ўрни (Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг 2001-2016 йиллардаги материаллари мисолида). – Тошкент: «Фан ва технология». 2016.; Матибаев Т. Ўзбекистонда Давлат ва жамият ҳаётининг демократлашуви жараёнида ижтимоий ҳамкорлик тизимини ривожлантириш омиллари: автореферат дис. ... Соц.фан.док.дис. – Тошкент. 2019.

<sup>5</sup> Бекмуродов М. Замонавий бошқарув социологияси. Монография. Т.: «Ёшлар». 2020. Б 9.

<sup>6</sup> Абдуазимов О.У. Ахборотлашган жамиятда жамоатчилик фикри мониторингини таъминлашда оммавий коммуникациялар социологиясининг ўрни (Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг 2001-2016 йиллардаги материаллари мисолида). – Тошкент: «Фан ва технология». 2016.

ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва прогнозлаштиришнинг услубий асосларини ишлаб чиқиш ва комплекс дастурини яратиш» мавзусидаги илмий лойиҳа таркибида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** интернет тизимида ахборот хавфсизлигини таъминлаш учун миллий сегментни ривожлантиришни социологик тадқиқ этиш орқали унинг ижтимоий хусусиятларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

интернет тармоқларида тарқатилаётган ахборотлар хавфсизлигини таъминлашда миллий сегментга мансуб сайтлар фаолиятининг назарий-методологик асосларини ўрганиш, ривожланган давлатларнинг ахборотлар билан ишлаш ва алмашилиш тажрибасини таҳлил қилиш;

ахборот хавфсизлигини таъминлашда миллий сегмент сайтлари фаолиятининг ривожланиш динамикасига таъсир этувчи ижтимоий-иқтисодий мазмундаги омилларни аниқлаш ва илмий таснифини асослаш;

миллий сегментда фуқаролик жамияти ривожланиши жараёнида ўтказилаётган ислохотлар мазмуни, мақсади, натижаларини ифода қилувчи сайтлар фаолиятига доир ижтимоий талаб ва мезонларни ишлаб чиқиш;

миллий сегмент сайтлари фаолиятини такомиллаштиришга тўсик бўладиган ижтимоий муаммоларни бартараф этиш, ёшлар сайтлари фаолияти истиқболларига оид илмий асосланган таклиф-тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг объектини** интернет тармоғидаги Ўзбекистон миллий сегменти фаолияти ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предметини** ахборот хавфсизлигини таъминлашда миллий сегмент фаолиятининг социологик асослари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда тизимли ёндашув, контент-таҳлил, қиёсий таҳлил, анкета сўрови ва эксперт баҳолаш усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгиллиги** куйидагилардан иборат:

интернет хавфсизлигини таъминлашда миллий сегментлар фаолиятининг назарий-методологик асослари, тизимли (фуқаролик жамиятини ривожлантириш) ва коммуникатив (интернет орқали шахсларни ўзаро мулоқоти асосида вужудга келган ижтимоий фикрни шакллантириш) хусусиятлари, ижтимоий жараёнлардаги ўрни асосланган;

ижтимоий соҳага оид интернет тизимида миллий сегмент фаолиятининг халқаро, расмий ва норасмий ахборот манбаларининг (чет эл ижтимоий тармоқлари ва бузғунчи ғоялар тарқатувчи сайтлар фаолиятини жамоатчилик фикрига, жумладан, менталитетимиз ва тарихан шаклланган миллий ўзига хослигимиз ҳамда миллий қадриятларимизга салбий таъсири) таъсири тенденциялари очиқ берилган;

интернет кибер макони, жумладан, ижтимоий тармоқларда ёшларнинг социал фаоллиги ва ижтимоийлашуви жараёнлари фаолиятини баҳолашда миллий сегмент сайтларига қўйилган талаб (ахборот олиш маданиятини

шакллантириш зарурлиги ва сайтнинг интерфаол рукнлари доимий равишда (хафтасида камида бир маротаба) янгилаш, хавфсизлик талабларига мос бўлмаган рекламаларни тақиқлаш) ва мезонлар (ахборотларнинг 80 фоизи фойдали бўлиши) социологик тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган;

миллий сегмент фаолиятини тартибга солишда ижтимоий омиллар (мазмундорлик ва интерфаоллик омили, хусусан, миллий сегмент сайтларининг қизиқарли эмаслиги, маълумотлар базасининг қашшоқлиги, янгиланмаганлиги, онлайн форумларнинг йўқлиги, шунингдек, дизайн жиҳатдан ранглар уйғунлигидан фойдаланилмаганлиги, мобил версияларнинг йўқлиги, ташкилий жиҳатдан кадрлар, штатларнинг етишмаслиги)нинг аҳамияти асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ахборот тизимининг жамиятни янгилашни жараёнига таъсири шароитида, жамият аъзолари шуурига интернет миллий сегменти тизими орқали ёшлар руҳиятига таъсир ўтказувчи интернет сайтлар фаолиятини ривожлантириш бўйича берилган тавсиялар, инновацион материаллар билан бойитишга хизмат қиладиган мустақил хулосалар, таклифлар, тавсиялар тайёрланган;

миллий сайтлар (kun.uz) ўз фаолиятига мазмундорлик ва интерфаолликни ошириш бўйича сайтда машҳур шахслар билан учрашувлар ташкил этиш, қизиқарли социологик тадқиқотлар ўтказиш каби тавсиялар жорий этилган. Шунингдек, ўз сайтлари дизайнига ўзгартиришлар киритиб, сайт рангини танлашда, структурасини шакллантиришда, турли браузерлар очиш ва мобил версияларда ишлаш имкониятлари, рекламалар жойлаштириш ҳамда сўровномалар олиб боришда берилган тавсиялар жорий этилган;

ташкилий жиҳатдан интернет журналистларига янги штатлар ташкил этилган. Олий таълим муассасасалари дарсларида «Хавфсизлик социологияси» фани янги шаклда тайёрланди ва ўқув дастури, маърузалар матни ҳамда фаннинг назарий асосларига ижтимоий тармоқдаги ижтимоийлашув бўйича янги ўзгартиришлар киритилган;

ёшлар ташкилотларида (Ёшлар иттифоқи) ўтказилаётган миллий сайтларга оид тадбирларда сайтларни баҳолашда ишлаб чиқилган талаб ва мезонлардан фойдаланиш ташкил этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, унинг доирасида фойдаланилган назарий ёндашувлар расмий манбалардан олингани, ўтказилган социологик сўровноманинг анкета, интервью ва эксперт сўров шакллари асослангани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот ишининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистон Республикаси интернет тармоғида миллий сегментга оид сайтларни ривожлантириш бўйича чоратадбирлар ишлаб чиқишда фойдаланилди. Шунингдек, олий ўқув юртлари,

касб-ҳунар коллежлари, академик лицей талабаларини ўқитиш жараёнида, замонавий мутахассислар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришда қўлланилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти глобал интернет тармоғининг ахборот тарқатишдаги функционал ролининг замонавий хусусиятларини англашда, ундаги миллий сегмент функциялари мазмуни ҳақидаги илмий тушунчаларни чуқурлаштиришда, блоглар ва ижтимоий тармоқларнинг жамият янги ривожланиш босқичига таъсирини ўрганишда услубий қўлланма вазифасини бажаради. Шунингдек, «Социология», «Хавфсизлик социологияси», «Оммавий ахборот воситалари социологияси», «Ижтимоий ўзгаришлар социологияси», «Оммавий социология коммуникациялари» фанларидан янги ўқув материалларини тайёрлашда самарали фойдаланиш имкониятини яратади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Интернет хавфсизлигини таъминлашда миллий сегмент фаолиятининг социологик жиҳатларини ўрганиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

интернет хавфсизлигини таъминлашда миллий сегментлар фаолиятининг назарий-методологик асослари, тизимли (фуқаролик жамиятини ривожлантириш) ва коммуникатив (интернет орқали шахсларнинг ўзаро мулоқоти асосида вужудга келган ижтимоий фикрни шакллантириш) хусусиятлари, ижтимоий жараёнлардаги ўрни асосланганлигига оид таклифидан 5А210101 – (Социология йўналиши бўйича) магистратура мутахассислиги талабаларига ўқитиладиган «Ахборот коммуникацион технологиялар ва тизимлар» ҳамда «Хавфсизлик социологияси» фанлари бўйича услубий қўлланма, дарсликлар яратишда, фаннинг ўқув дастурини янгилашда, ушбу фанлардан маъруза, амалий машғулотлар ўтказишда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 10 ноябрдаги 89-03-4549-сон маълумотномаси). Натижада, бу социология йўналишидаги дарсликлар, ўқув қўлланмалар, ўқув дастурларини янада бойитиш имконини берган;

ижтимоий соҳага оид интернет тизимида миллий сегмент фаолиятининг халқаро, расмий ва норасмий ахборот манбаларининг (чет эл ижтимоий тармоқлари ва бузғунчи ғоялар тарқатувчи сайтлар фаолиятини жамоатчилик фикрига, жумладан, менталитетимиз ва тарихан шаклланган миллий ўзига хослигимиз ҳамда миллий кадриятларимизга салбий таъсири) таъсири тенденцияларига оид таклифидан «Ёшларнинг Ўзбекистон интернет миллий сегментидаги иштирокининг социологик жиҳатлари» мавзусидаги социологик тадқиқот дастури ва анкетасидан методологик тавсия, қиёсий статистик маълумот сифатида фойдаланилган («Ижтимоий фикр» Республика жамоатчилик фикрини ўрганиш марказининг 2020 йил 18 декабрдаги 01-16/338-сон маълумотномаси). Натижада, бу ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва миллий сайтлар фаолиятининг ривожланиш тенденцияларини, ушбу жараённинг социологик жиҳатларини ўрганиш имконини берган;

интернет кибер макони, жумладан, ижтимоий тармоқларда ёшларнинг социал фаоллиги ва ижтимоийлашуви жараёнлари фаолиятини баҳолашда миллий сегмент сайтларига қўйилган талаб (янгилаш, хавфсизлик талабларига мос бўлмаган рекламаларни тақиқлаш) ва мезонлар социологик тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилганлигига оид таклифидан «Ёшлар онгини бузғунчи ғоялардан асраш ва интернет тизимидаги ахборотларнинг миллий менталитетимизга, миллий қадриятларга салбий таъсири жараёнини ўрганиш»га бағишланган социологик сўровнома ўтказишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг 2020 йил 30 декабрдаги 01/2-11-23-1033-сон маълумотномаси). Натижада, бу ёшларнинг ижтимоий фаоллиги, уларни бузғунчи ғоялардан асраш, миллий қадриятларимизни мустаҳкамлашга қаратилган ишлар самарадорлигини ошириш ва миллий сегмент фаолиятини янада такомиллаштиришга хизмат қилган;

миллий сегмент фаолиятини тартибга солишда ижтимоий омиллар мазмундорлик ва интерфаоллик омили, хусусан, миллий сегментнинг аҳамияти асосланганлигига оид таклифидан «Kun.uz» сайти фаолиятида фойдаланилган («Kun.uz» интернет ахборот сайтининг 2020 йил 26 октябрдаги 42-сон маълумотномаси). Натижада, бу интернет тармоғида ахборот хавфсизлигини таъминлаш учун миллий сегментда фаолият олиб бораётган сайтларни такомиллаштиришга таъсир кўрсатувчи ижтимоий омилларни янада такомиллаштириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 17 та илмий-амалий анжуман ҳамда 2 та халқаро конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот ишларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси ОАК диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий журналларда 7 та мақола, жумладан 3 таси хорижий, 4 таси республика журналларида нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўққиз параграфни ўз ичига олган учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 151 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертациянинг илмий янгилиги асосланган. Тадқиқотнинг объекти, предмети, методлари, мақсад ва вазифалари аниқланган. Олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилинганлиги, апробацияси, нашр этилган ишлар, тадқиқотнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Интернет хавфсизлигини таъминлашда миллий сегмент фаолиятининг назарий-методологик асослари»** деб номланган. Ушбу бобнинг биринчи параграфи «Интернет тармоғининг ижтимоий тизимли ва коммуникатив хусусиятлари» масалаларига бағишланган. Жаҳонда глобаллашув жараёни ва инсон тафаккурига ахборот босимининг кучайиши натижасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг тез суръатларда ривожланиши туфайли инсониятнинг глобал интернет тармоғига қарамлик даражаси ортиб бормоқда. Шу сабабли, глобал интернет тармоғи жамиятдаги ижтимоий, иқтисодий қарашларни шакллантириш, ривожланиш жараёнига бевосита таъсир этиш ва ўзгартиришда асосий воситалардан бири бўлиб қолмоқда.

Айни вақтда, миллий сегмент сайтларини ОАВ сифатида ривожланиб бориши «трансформациялашган матбуот назарияси»га асосан шаклланмоқда. Бугунги кунда «трансформациялашган матбуот назарияси» («transformatio» лотинча, «ўзгартириш», «қайта тузиш») термини орқали журналистикани демократик институт сифатида қайта тузиш, ОАВ фаолиятини тубдан ўзгартириш ва такомиллаштириш орқали янги давр – ахборотлашган жамиятга хизмат қилувчи «трансформациялашган матбуот» тушунилмоқда.<sup>7</sup>

Интернет тармоғида жойлаштирилган маълумотларнинг асосий фойдаланувчилари ёшлар эканлиги, интернет тизими томонидан тақдим этилаётган тезкор алоқа имкониятлари ёшларга мўлжалланган сайтларни жадаллик билан ривожланишига олиб келмоқда. Бундай коммуникатив имкониятлар ёшларнинг интернет имкониятларига ишончини оширди, уларнинг хорижий мамлакатларда истиқомат қилаётган ҳамкорлари, дўстлари, ҳамкасблари, қариндошлари ва издошлари билан сифатли алоқа воситаси ролини бажарди. Шу билан бирга ёшларнинг муайян қисми интернет тармоғида бўш вақтларини ўтказиш салбий мазмундаги ахборотлар мажмуаси, демократик жамият ривожланиш тенденцияларига зид бўлган, бузғунчи ғояларни тарқатаётган сайтлар таъсирига тушишига сабаб бўлмоқда. Глобаллашув ва ахборот босими муттасил ошиб бораётган даврда айрим хориж давлатлар ҳудудида зарарли таъсирга тушиб қолган ёшлар

<sup>7</sup> Абдуазимов О.У. Ахборотлашган жамиятда жамоатчилик фикри мониторингини таъминлашда оммавий коммуникациялар социологиясининг ўрни (Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг 2001-2016 йиллардаги материаллари мисолида). – Тошкент: «Фан ва технология». 2016.

фаолиятини тасвирловчи, уларнинг тажовузкорлик, босқинчилик, жинойтчилик, гиёҳвандлик, бузғунчилик фаолиятини ташвиқот қилувчи маълумотларга эга бўлган интернет сайтларининг сони ортиб бормоқда. Интернет тармоғида маънавий бузуқлик ва турли ғаразли мақсадларни, конституцион тизимга қарши, демократик жамият қуриш талабларини инкор этишни тарғиб қилувчи, тинч осойишта ижтимоий, иқтисодий турмушни бузишга ундовчи ишлар билан шуғулланаётган интернет сайтлар сони ошиб бормоқда.

Бугунги кунда интернет хавфсизлигини таъминлаш ва унинг салбий таъсирини камайтиришда «таназиялашган матбуот назарияси»дан келиб чиқиб ёндашиш лозим. Ушбу «таназиялашган матбуот назарияси» термини орқали истеъмолчилар жамиятини тирик организм сифатида идрок этиб, реал ҳаётни сиёсий, маданий, ижтимоий, ҳуқуқий, диний, тиббий, иқтисодий, ахборот хавфсизлиги омиллари орқали ичдан емирувчи, ахборотлашган жамиятнинг салбий ҳолатидаги «ўлик матбуот» прогнози тушунилади.

Глобал интернет тармоғининг тобора кенгайиши, инсон фаолиятининг барча соҳаларини қамраб олиши ва глобал тармоққа айланиши, мазкур соҳани XXI асрда ахборот алмашинувининг асосий воситаси сифатида эътироф этишга асос бўлди.

Бугунги кунда социологияда «ахборот хавфсизлиги» атамаси кенг қўлланилади. «Интернет хавфсизлиги» атамаси ахборот хавфсизлигининг бир қисми бўлиб, у фақат интернетдаги ахборот таҳдидлардан самарали химояланиш йўллариини назарда тутди. Шу билан биргаликда, глобал Интернет тармоғининг муайян бир қисми «сегмент», «миллий сегмент» сифатида юритилади. «Сегмент» сўзи «бўлак», «парча», «қисм» маъноларини англатади<sup>8</sup>. Тадқиқотчи В.Н.Ряузов таърифича, «миллий сегмент» тушунчаси глобал ахборот тарқатишга мўлжалланган тармоқдир<sup>9</sup>.

Айни вақтда, кенг тарқалган «сайт» (веб-сайт) тушунчаси (ингл: website, рус: веб-сайт, инглизча «site» таржимаси «жой») Бутунжаҳон ўргимчак тўри маълум ахборот топиш мумкин бўлган ва ноёб URL билан белгиланган виртуал жой маъносини англатади. «Ижтимоий тармоқ» атамаси (ингл: social network) таркиби иштирокчилари томонидан яратилдиган кўп фойдаланилувчиларга эга интерактив веб-сайт сифатида қўлланилади. Шунингдек, «блог» атамаси (ингл: blog, рус: блог), асосан, мунтазам равишда чоп этиладиган ёзувлар, тасвирлар ёки мультимедиадан иборат веб-сайт маъносида тушунилади. Муаллифларига қараб блоглар шахсий, гуруҳий ёки оммавий таркиби бўйича тематик ёки умумий бўлиши мумкин<sup>10</sup>.

Ушбу бобнинг иккинчи параграфи «Миллий сегмент фаолиятининг назарий-методологик асослари» деб номланган. Жамиятда аҳолининг ахборотга бўлган талабини қондириш, глобал интернет тармоғида миллий

<sup>8</sup> Wikipedia электрон энциклопедияси. URL:<https://ru.wikipedia.org/wiki/Сегмент>. 2020.

<sup>9</sup> Ряузов В.Н. «О мерах по совершенствованию использования национального сегмента сети интернет» - Москва: Академия. 2010.

<sup>10</sup> Амиров Д.М. Ахборот-коммуникация технологиялари изохли луғати. ISBN 978-9943-11-078-6 [www.undp.uz](http://www.undp.uz) ва [www.ictp.uz](http://www.ictp.uz). 2010.

сегментларни ривожлантириш орқали ёшларни демократик тамойиллар асосида турли сайтлардаги бузгунчи, вайронкор, диний радикализм ғоялардан ҳимоя қилиш зарур. Шунинг учун, глобал Интернет тармоғида ахборотларни миллий манфаатларимизга мос тарзда жойлаштириш, улар мазмунини миллий ғоя, миллий тараққиёт стратегиясига мос ривожлантириш мақсадида унинг илмий методологик, ҳуқуқий асослари такомиллаштирилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа Доктринасида жаҳондаги ҳарбий-сиёсий вазият халқаро ва минтақавий хавфсизликка хавф-хатар ҳамда таҳдидлар кўлами кенгайиб бораётганлиги, халқаро терроризм ва экстремизм фаоллашганлиги, ахборот макони ва кибермаконда қарама-қаршиликлар кучайганлиги таъкидланади.<sup>11</sup>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги Фармони билан тасдиқланган «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни кўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурида ахборот ресурслари ва интернет тармоқлари орқали тарқатилаётган экстремизм ва терроризм ғояларининг мамлакатимиз худудида тарғиб қилинишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар белгилаш вазифаси илгари сурилган. Миллий ахборот маконини ҳимоя қилиш бўйича Интернет тармоғида миллий контентни ривожлантириш бандида Интернет миллий сегменти сайтларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилган.

Глобал интернет тармоғи ижтимоий тизимлардаги классик хусусиятларни виртуал мазмунда, миллий характерда ифода этиш имкониятига эгадир. Шунинг учун ҳам жамиятда ижтимоий тизимдаги элементларнинг жисмоний ва виртуал оламдаги ифодаланиши, мавжудлиги кузатилмоқда.

Бундай жараён, ижтимоий вазият интернет тармоғида тарқатилаётган ахборотларнинг ижтимоий жараёнларга таъсирини оширади, айниқса, унинг норасмий коммуникатив тизимлари ўрни жамиятда яққол намоён бўлмоқда. Шу муносабат билан ҳозирги даврда социолог олимлар томонидан, замонавий, инновацион мазмундаги услублар асосида, интернетдаги блоглар ва ижтимоий тармоқлар фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг ижтимоий, тизимли таҳлили зарурияти вужудга келди.<sup>12</sup>

Бизнинг фикримизча, интернет тармоғи ҳозирги даврда мураккаб ижтимоий техник ҳодиса, воқелик, трансформациялашаётган Ўзбекистон жамиятида, интеграл элемент сифатида намоён бўлиб, унинг ижтимоий аҳамиятини англаш социологик нуқтаи назардан ёндашиш вазифасини илгари суради. Шунинг учун ҳам, интернет тармоғида, шу жумладан, миллий сегмент таркибида расмий коммуникацияларнинг ҳозирги даврдаги

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги ЎРҚ-458-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа Доктринаси.

<sup>12</sup> Асеева О. В. Социологический анализ социальной активности молодежи в сетевых сообществах Интернет // СИСП . 2011. №4. URL: <http://cyberleninka.ru/article/n/sotsiologicheskiy-analiz-sotsialnoy-aktivnosti-molodezhi-v-setevyih-soobschestvah-internet> (дата обращения: 19.06.2020).

демократик ислоҳотлардаги ўрнини, интернет блоглар ва ижтимоий коммуникацияларнинг оммавий жараёнларга таъсири мазмунини социологиянинг муҳим аспекти сифатида тадқиқ қилиш амалий аҳамиятга эга.

Глобал интернет тармоғи моҳияти, вазифаси ва ижтимоий заруриятининг социологик таҳлили, глобал компьютер тармоғининг ижтимоий функциялари мазмуни ва мақсадларини тадқиқ қилиш шуни кўрсатадики, унинг ижтимоий тизимларга, ижтимоий институтлар фаолияти ва жараёнларга бевосита таъсири мавжуд. Бундай шароитда социологик ёндашув орқали интернет тармоғининг нафақат коммуникатив функцияларига, ушбу феноменни жамиятдаги глобал тармоқ сифатида, унинг ижтимоий, маданий функцияларига ҳам эътибор бериш мақсадга мувофиқ. Айниқса, илмий билиш жараёнида, жамиятда гносеологик жиҳатдан, интернет оламида содир бўлган ижтимоий, тизимли ўзгаришлар ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Шу билан биргаликда, глобал Интернет ахборот тармоғидан ташқарида кундалик ижтимоий воқелик таркибидаги ўзгаришларга ҳам эътибор бериш мақсадга мувофиқ. Бундай жараён, ўз навбатида, янги ривожланиш босқичи шароитида, Ўзбекистон жамиятидаги ижтимоий жараёнларга глобал ахборот тизимининг таъсири ошиб бораётганлигини тасдиқлайди. Интернет ахборот олами классификацияси турлари фаолиятини баҳолашнинг бир қанча усуллари мавжуд. Ушбу тизим, асосан расмий ва норасмий коммуникатив тизимларга ажралади. Биринчи гуруҳга ахборот, янгиликлар сайтлари, порталлар, турли мазмун ва йўналишдаги интернет ресурслар, оммавий ахборот воситаларининг виртуал оламдаги нусхаси сифатида намоён бўлади. Иккинчи гуруҳга блогерлар жамоалари мансуб.

Ижтимоий тармоқлар, интернет форумлар, чатлар, шахслараро ва гуруҳлар ўртасидаги мулоқотларда, виртуал олам имкониятларидан самарали фойдаланиш умуммиллий характерга эга.<sup>13</sup> Интернет тармоғига мансуб ижтимоий вазиятни социология нуқтаи назаридан илмий тадқиқ қилишдаги муайян мураккаблик, интернет ахборот макони таркибидаги элементларнинг доимий ўзгариб туриши расмий ва норасмий сайтларнинг ўзаро бир-бирига таъсири билан боғлиқ.

Диссертациянинг учинчи параграфи «Интернет кибер маконида миллий сегмент фаолиятининг ижтимоий жараёнлардаги ўрни» деб номланган. Унда таъкидланадики, янги тараққиёт босқичида, глобал тармоққа уланган интернет жамоалари Ўзбекистон жамиятида муҳим роль ўйнамоқда. Улар фаолияти жамиятдаги интеграциялашган элемент сифатида, коммуникатив маданий ўзгаришларга олиб келди. Тармоқ интернет жамоалари ёш авлоднинг ижтимоий камолоти ва ижтимоийлашув жараёнига, инсоннинг ҳаётини муносабатлари, ижтимоий психологик, ижтимоий маданий қарашлари тизимида муҳим таъсир кўрсатди.

---

<sup>13</sup> Судич Ю.В., Проказин В.В. Роль социальных сетей в жизни молодежи. URL: <http://sibac.info/1136703.02.2019>.

Глобал интернет тармоғидаги коммуникатив интернет жамоалар, яъни блоглар ва ижтимоий тармоқлар, норасмий миллий сегментнинг методологик ва методик муаммолари, бевосита шахс дунёқараши ва виртуал оламнинг диалектик қарама-қаршилигига боғлиқ. Бу жараёндаги асосий қийинчилик шундан иборатки, тадқиқотчи таҳлил давомида ижтимоий воқеликни кўзда тутсада, тадқиқот объекти виртуал дунё мазмуни ҳисобланади ва кўпгина ҳолларда аноним, билвосита характерга эга бўлади. Шу билан бирга, социологик тадқиқотлар ва улар натижаларидан фойдаланиш, инсон амалий фаолиятида қўлланилиши муҳим аҳамият касб этади. Бундай жараён, янги ривожланиш босқичи шароитида, виртуал ижтимоий тизимли элементлар амалиётининг турли жиҳатлари мавзусига оид янги тадқиқот ишларини, эмпирик кузатишлар ўтказишни тақозо қилади.

Диссертация тадқиқоти доирасида олиб борилган эмпирик таҳлил тасдиқлайдики, блоглар ва ижтимоий тармоқлар янги тараққиёт босқичида Ўзбекистон жамияти ҳаётида муҳим ўрин эгаллаган ва ижтимоий жараёнларга кўп томонлама таъсир кўрсатмоқда. Улар, айниқса ёшлар орасида кенг тарқалган, аҳолининг бошқа қатламлари ҳам норасмий интернет коммуникациялар ҳақида, ижтимоий тармоқлардаги блоглар фаолияти орқали яқиндан таниш. Ижтимоий тармоқлар ва блоглар соҳасида фаол иштирок этиш тўлдирувчи характерга эга бўлиб, ўзбекистонликларнинг ижтимоий талабларини қондирувчи аҳамият касб этади, теварак атрофга фаол таъсир ўтказади, шахснинг индивидуал, интеллектуал салоҳиятини намоиш этади, чунки бундай имкониятлар амалиётда ижтимоий, иқтисодий соҳаларда қўлга киритишнинг имкони бўлмайди. Блоглар ижтимоий тармоқдаги фаоллиги натижасида Ўзбекистон жамиятининг ижтимоий, иқтисодий, маънавий соҳаларига таъсир қилиш имкониятига эга.

Тадқиқотнинг иккинчи боби **«Интернет тизимида ижтимоий соҳага оид миллий сегмент фаолияти: ҳолати ва ривожланиш тенденциялари»** деб номланган. Ушбу бобнинг биринчи параграфи «Интернет миллий сегментларида ижтимоий соҳанинг ёритилиш жиҳатлари» тадқиқотига бағишлаган.


Жамиятнинг барқарор тараққиёти шароитида, жамиятда оммани зарарли ахборотлардан ҳимоя қилиш ва миллий сайтларни ривожлантириш мақсадида мамлакатимизда илмий асосланган тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада ривожланган давлатларнинг интернет тармоқларига мансуб бўлган, инновацион технологияларга асосланган хориж тажрибасини ўрганиш мақсадга мувофиқ. Таъкидлаш лозимки, жаҳонда глобал интернет тармоғидан фойдаланувчиларнинг сони мунтазам ошиб бормоқда, глобал интернет хизматидан 20 йил аввал 4,1% кишилар фойдаланган бўлса, ушубу кўрсаткич 2019 йилда 4,5 миллиардни ташкил қилди, яъни бугунги кунда ер шарида яшовчи 58,8% аҳоли ушбу ахборот тармоғидан фойдаланади.<sup>14</sup>

<sup>14</sup> Дорогой ли в Узбекистане интернет сравнение цене в других стран. <https://uz.sputniknews.ru/society/20191216/13018724/Dorogoy-li-v-Uzbekistane-internet--sravnenie-tsen-v-drugikh-stranakh.html>

Диссертациянинг иккинчи боби иккинчи параграфи «Ижтимоий соҳага оид миллий сегментни ривожлантириш: реал ҳолат ва муаммолар таҳлили» деб номланган. Ўзбекистонда жаҳон Интернет тармоғидан самарали фойдаланиш имкониятлари кенгайиб, аҳолининг барча катламлари вакиллари, халқаро ахборот тармоғидан юқори тезликда фойдаланиш имкониятига эга бўлмоқда. Шунингдек, молия, банк, хавфсизликни таъминловчи муҳофаа, божхона ишлари ходимлари ҳам ўз фаолиятида жадал ахборот тармоғига уланган.

Ўзбекистон аҳолиси сонининг ўсиб бориши глобал интернет тармоғидан олинаётган ахборотларга бўлган талабнинг ошишига олиб келди. Жумладан, 2020 йилда Ўзбекистон аҳолисининг сони 34 млн.дан ортиқ<sup>15</sup> бўлиб, интернет фойдаланувчиларнинг сони 22 млн.дан ошди<sup>16</sup>. Бундай ижтимоий вазият аҳоли орасида интернет тармоғидаги миллий сегменти сайтларига бўлган талабни кучайтиради.

Ўзбекистонда миллий сайтлар, 2020 йил 14 апрель ҳолатига кўра, «.uz» домени, 77318 тага ошган<sup>17</sup> бўлсада, бу борада Қозоғистон Республикасидан ортда қолмоқда. (1-диаграмма).



1-диаграмма. Ўзбекистон ва Қозоғистон миллий сегмент сайтларининг йиллик ўсиш кўрсаткичлари (2020 йил) (дона)

Жадал суръатларда ривожланаётган Қозоғистон аҳолиси 18,4 млн.,<sup>18</sup> интернет фойдаланувчилари сони 15,1 млн.<sup>19</sup> бўлиб, аҳолини интернет билан камрови 82 фоизга тенг. (2-диаграмма)


<sup>15</sup> <https://kun.uz/news/2020/02/18/uzbekiston-aholisi-34-million-kishidan-oshdi>, 18.02.2020 й.

<sup>16</sup> <http://mitc.uz/uz/news/view/1170><http://mitc.uz/uz/news/view/1170>, 04.02.2020 й.

<sup>17</sup> <https://cctld.uz/stat/14.04.2020> й.

<sup>18</sup> [https://ru.wikipedia.org/wiki/Население\\_Казахстана](https://ru.wikipedia.org/wiki/Население_Казахстана)/10.04.2020 й.

<sup>19</sup> <https://kursiv.kz/news/obschestvo/2019-10/kakoe-mesto-zanyal-kazakhstan-po-skorosti-interneta/>10.04.2020 й.



2-диаграмма. Марказий Осиё давлатларининг аҳолисига нисбатан Интернет қамрови (2020 йил) (млн.)

Қирғизистон Республикаси аҳолиси 6,4 млн.,<sup>20</sup> Интернетдан фойдаланувчилари 2,5 млн.,<sup>21</sup> Тожикистон Республикаси аҳолиси 9,1 млн.,<sup>22</sup> глобал интернетдан фойдаланувчилари 2,98 млн.,<sup>23</sup> Туркменистон Республикаси аҳолиси 5,8 млн.,<sup>24</sup> жаҳон интернет тизимидан фойдаланувчилари 1,3 млн.<sup>25</sup>

Барқарор ривожланиш жараёнида мобил алоқа воситаларидан ижтимоий, иқтисодий зарурият учун фойдаланиш жараёни муттасил ортиб бормоқда. Жумладан, Ўзбекистон аҳолисининг 29 миллионга яқини мобил қурилмалардан фойдаланади<sup>26</sup>. Жамиятда мобил алоқа воситалари ривожланиб бориши натижасида глобал Интернет сайтларини мобил версиялари кўпаймоқда ва ижтимоий тармоқлар мессенжер кўринишига ўтмоқда. Шунингдек, ҳозирги даврда мобил мессенжерлар яратилиши ёшларнинг хорижий ижтимоий тармоқларга қизиқишини оширмоқда. Юқоридаги фикрлар истикболда миллий сегмент сайтлар мобил саҳифалари ривожланиб боришидан далолат бермоқда. Шунинг натижасида, Ўзбекистон миллий сегментидаги сайтларга фойдаланувчиларнинг 72,4 фоизи айнан мобил дастурлар орқали кирган<sup>27</sup>.

Бобнинг «Расмий ва норасмий интернет коммуникацияларининг жамоатчилик фикрига таъсири» деб номланган учинчи параграфидида мамлакатимиз тараққиётнинг янги даврига қадам қўйиши жамиятда чуқур трансформацион жараёнларни бошлаб берганлиги, бундай вазият мавжуд институционал ва ижтимоий тизимлар фаолиятига объектив таъсир қилганлиги таъкидланади. Фуқаролик жамияти ривожидида коммуникация

<sup>20</sup> [https://ru.wikipedia.org/wiki/Население\\_Киргизии/10.04.2020\\_й.](https://ru.wikipedia.org/wiki/Население_Киргизии/10.04.2020_й.)

<sup>21</sup> [http://kabar.kg/news/kolichestvo-internet-pol-zovatelei-kyrgyzstana-ezhegodno-rastet-dogoev/10.04.2020\\_й.](http://kabar.kg/news/kolichestvo-internet-pol-zovatelei-kyrgyzstana-ezhegodno-rastet-dogoev/10.04.2020_й.)

<sup>22</sup> [https://ru.wikipedia.org/wiki/Таджикистан/10.04.2020\\_й.](https://ru.wikipedia.org/wiki/Таджикистан/10.04.2020_й.)

<sup>23</sup> [https://tajikta.tj/ru/news/v-tadzhikistane-chislo-polzovateley-interneta-sostavilo-3-mln-abonentov/10.04.2020\\_й.](https://tajikta.tj/ru/news/v-tadzhikistane-chislo-polzovateley-interneta-sostavilo-3-mln-abonentov/10.04.2020_й.)

<sup>24</sup> [https://ru.wikipedia.org/wiki/Туркмения/10.04.2020\\_й.](https://ru.wikipedia.org/wiki/Туркмения/10.04.2020_й.)

<sup>25</sup> [https://mlsp.gov.tm/ru/newspapers/771/10.04.2020\\_й.](https://mlsp.gov.tm/ru/newspapers/771/10.04.2020_й.)

